

ФАРҒОНА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРИ

М.А.Пайзуллаев

Фарғона иқтисодий райони маъмурий жиҳатдан водийнинг Ўзбекистон қисмини ўз ичига олади. Унга республика майдонининг 4,1 %и тўғри келиб, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари киради. Иқтисодий районда 2014 йил маълумотларига кўра, 8284,0 минг аҳоли истиқомат қилиб, у жами республика аҳолисининг 28,5 фоизига тўғри келади.

Минтақа табиий ресурсларга унчалик бой эмас, бироқ меҳнат ресурслари кўпчиликти ташкил этиши билан ажралиб туради. Фарғона иқтисодий районида антропоген босимнинг нисбатда юқорилиги, ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги мазкур ҳудуднинг энг муҳим географик хусусиятларини белгилаб беради.

Фарғона иқтисодий райони Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотининг 17,5, саноатнинг 23,9, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 26,1 фоизини таъминлайди. Пуллик хизматлардаги улуши 24,6 фоиз, чакана савдода 22,8 %, ташқи савдо айланмасида эса 16,0 фоизни (2013) ташкил этади.

Географик ўрни, сиёсий географик вазияти, трансчегаравий бўлганлиги жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда минтақада ички транспорт инфратузилмаси анча ривожланган. Минтақанинг алоқа йўллари Тожикистон Республикасининг Сўғд, Қирғизистон Республикасининг Боткент, Жалолобод ва Ўш вилоятлари билан боғланган.

Аҳоли зичлиги, аҳоли пунктлари катта бўлган Фарғона иқтисодий районида ижтимоий соҳалар ривожланиши муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш, аҳоли бандлигини ошириш орқали унинг турмуш шароитларини яхшилаш бугунги куннинг энг долзарб

масалаларидан саналади. Янги иш ўринларининг кўпроқ қисмини қишлоқ жойларда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида ташкил этилиши ушбу муаммони, қисман бўлсада, ечишга ёрдам беради. Ижтимоий ва иқтисодий соҳалар бир - бири билан чамбарчас боғлиқ, бирининг ривожланиши иккинчиси учун тегишли имкониятлар, шарт - шароитлар яратади.

Нозогеографик вазият ва аҳоли саломатлигини яхшилаш ҳар қандай мамлакат ёки минтақа ижтимоий ривожланишининг муҳим вазифасидир. Фарғона иқтисодий районида жами 389 та тиббий муассасалар бўлиб, уларнинг ярмидан кўпи бюджет тизимида фаолият кўрсатади. Ҳар 10000 кишига тўғри келадиган бемор ўринлари 44,8 тани ташкил қилади. Норин ва Наманган, Қувасой шаҳри, Бағдод, Данғара, Қўштепа, Фарғона ва Ўзбекистон туманларида бу даража пастроқ. Вилоят марказларининг саноат, аҳолига хизмат кўрсатиш, савда каби соҳаларида энг катта кўрсаткичга эга бўлиши табиий. Бинобарин, оддий қишлоқ туманларининг бу борадаги улуши марказларга қараганда ижтимоий соҳалар ривожланиши пастроқ кўрсаткичга эга. Бундай ҳудудларининг аҳолиси ўзларининг ижтимоий эҳтиёжларини асосан вилоят маъмурий марказларидан кондирадилар.

Қишлоқ врачлик пунктлари минтақада 878 та ёки ҳар бир қишлоқ туманида 22,0 тадан тўғри келади. Бу ҳам бўлса, қишлоқ аҳоли пунктлари катталиги билан боғлиқдир.

Аҳоли зич, сони нисбатан тез кўпайиб бораётган ҳудудда халқ таълими географияси ҳам ўзига хос. Иқтисодий районда мактабгача тарбия доимий муассасалари 1620 та. Умумтаълим мактаблари 2352 та бўлиб, ҳар бир мактабда ўртача 524 кишидан тўғри келган (2013-2014 ўқув йили). Академик лицейлар 34 та, уларнинг кўпчилиги йирик шаҳар ва марказларда жойлашган. Барча қишлоқ туманлари ва шаҳарларда касб - ҳунар коллежлари мавжуд. Уларнинг умумий сони 370 тани ташкил қилган ҳолда, 469,3 минг ўқувчи тўғри келади. Касб -

хунар коллежлари минтақанинг ижтимоий – иқтисодий ва демографик ҳолатига мос ҳолда, турли йўналишларда шакллантирилган ва жойлаштирилган.

Фарғона водийси мамлакатимизда олий маълумотли кадрлар етказиб беришда муҳим мавқега эга. Минтақада 11 та олий ўқув юрти, шу жумладан, университет, институтлар бор. Андижон, Фарғона, Наманган давлат университетлари, Андижон тиббиёт институти, Андижон Қишлоқ Хўжалиги институти, Қўқон Педагогика институти ва бошқа олий ўқув юртлари республикамызда юқори малакали кадрлар етказиб беришда ўз ўрнига эга.

Ижтимоий соҳалар ичида аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ва чакана савдо ҳам катта аҳамиятга эга. Хусусан, чакана савдонинг – 20,7 фоизи, пуллик хизматларнинг 38,1 фоизи Наманган шаҳрига тўғри келса, Андижон вилоятида аҳоли жон бошига тўғри келадиган пуллик хизматлар Андижон шаҳри (31,4 фоиз) ҳисобига шаклланган. Фарғона шаҳрига 28,0 фоиз, Қўқон шаҳрига 13,6 фоиз тўғри келади. Сабаби, бу шаҳарлар катта район ҳосил қилувчи ва районга хизмат кўрсатувчи йирик марказлар саналади. Қишлоқ туманлари даражасида эса мазкур кўрсаткич Фарғона, Қува, Олтиариқ, Хўжаобод, Шаҳрихон, Чуст ва Тўрақўрғон, Уйчи ва Наманган ўзларининг нисбатан юқори салоҳияти билан бироз ажралиб туради. Энг паст кўрсаткичлар Мингбулоқ, Улуғнор ва Бўз туманларида кўзга ташланади.

Аҳолини яшаш шароити кўп жиҳатдан ижтимоий инфратузилма шаҳобчаларининг қай даражада ривожланганлигига боғлиқ. Бу борада айниқса, аҳолининг тоза ичимлик суви, газ ва электр – энергия билан мунтазам таъминланиши катта мазмун касб этади. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш минтақа бўйича ўртача 80,2 фоизни ташкил этган ҳолда, шаҳар жойларда бу вазият, албатта яхши, қишлоқ туманлари миқёсида эса айрим муаммолар йўқ эмас. Масалан, Избоскан, Балиқчи, Чуст, Чортоқ, Учқўрғон ва Сўх туманларида мавжуд ҳолат яхшиланиши талаб этилади.

Газ билан таъминланиши марказлашган сув таъминотига қараганда яхшироқ – 81,5 фоизга тенг. Наманган шаҳри аҳолиси 100 фоиз таъминланган ҳолда, юқори кўрсаткичлар Мингбулоқ, Поп ва Чуст, Олтиариқ туманларида яхши, аксинча Андижон вилоятининг Избоскан, Жалақудуқ туманлари (60%), Наманган вилоятининг Янгиқўрғон, Учқўрғон туманлари, Фарғона вилоятининг Боғдод, Бешариқ (65%) туманларида газ билан таъминланганлик даражаси минтақа ўртача кўрсаткичидан анча паст.

Водийда қадимдан халқ табобати ҳам ривожланган, бу ерда турли хил доривор ўсимликлар кўп. Минтақада рекреация имкониятлари ҳам юқори. Дарё бўйлари, магистрал каналлар соҳилларида, тоғ ёнбағирларида ташкил этилган оромгоҳлар, чойхона ва ошхоналар ҳам инсонларга хизмат қилади, уларга роҳат – фароғат бағишлайди. Умуман, водийнинг сўлим жойларида рекреацион туризмни янада тараққий этказиш, ривожлантириш борасида ишлар амалга оширилмоқда.

Айтиш жоизки, Фарғона иқтисодий районининг ижтимоий – иқтисодий ривожланишида ҳам бир қатор муаммолар мавжуд. Булар: Андижон вилоятида Булоқбоши, Мархамат, Пахтаобод ва Улуғнор туманларининг ижтимоий – иқтисодий ривожланиш даражаси пастроқ. Наманган шаҳри ва агломерация ривожланишини тартибга солиб, бошқариш, адир минтақаларини ўзлаштириш, ер – сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда геоэкологик муаммолардан иборат. Айниқса, минтақа ва унинг қишлоқ жойларида инвестиция муҳитини яхшилаш, шу асосда қурилиш ишларини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани замон талаби даражасида кескин кўтариш зарур. Чунки, республика ижтимоий – иқтисодий салоҳият ва мазмунга эга бўлган урбанизациянинг энг юқори даражаси мавжуд ҳолатга асло тўғри келмайди.

Умуман, аҳоли сонининг кўплиги, унинг сонини ошиб бориши, ер ва сув захираларининг етишмаслиги минтақа ижтимоий – иқтисодий ҳолатига жиддий

таъсир кўрсатади. Бундай кескин вазиятдан чиқиш йўлларида бири саноатлашув ва урбанизацияни қўллаб қувватлаш, замонавий инфратузилмалар асосида индустрия – инновация, ўсиш қутб ва марказларини вужудга келтириш бўлиши мумкин. Бундай стратегик йўналиш мамлакатимизнинг аҳоли зич жойлашган бошқа воҳа ва водийлари учун ҳам мосдир. Бинобарин, истиқболда бу борада ҳам давлатимиз минтақавий сиёсати доирасида ислохатлар амалга оширилиши керак. Хусусан, Фарғона иқтисодий райони ва Тошкент иқтисодий районларини боғловчи темир йўлнинг ишга туширилиши вилоят ижтимоий – иқтисодий ривожланиши учун янги истиқболларни очиб беради.

Адабиётлар:

1. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Т.: «Ўзбекистон», 2011.
2. Солиев А.С., Аҳмедов Э., Маҳмадалиев Р.Й. ва б. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. –Т.: «Университет», 2003.
3. Солиев А.С. Ўзбекистон географияси. –Т.: «Университет», 2014.
4. <http://www.press-service.uz>
5. www.en.wikipedia.org
6. www.stat.uz